



Рамазоннинг биринчи кун Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бир подшоҳ бор. Унинг қудрати ва улуғлигини тасвирлаб бўлмайди. Унинг илмига чегара йўқ. Шафқати устун, ғазаби эса беҳад даҳшатли.

Оламда подшоҳман, ҳукмдорман деганларнинг ҳаммаси битта чегарага бориб тўхтайдди. Ўзини худо деб эълон қилганларнинг ҳам борадиган жойлари нақд.

Аммо бу подшоҳга на ўлим, на кўрқув бор! Унинг макони маконларга сиғмайди. Унинг макони маконсизликда. Унга вақтни нисбат бериб бўлмайди. Унинг учун вақт деган тушунчаларни қўллаш мумкин эмас.

Ер юзида подшоҳман деганлар бошқаларни ишлатиб улкан-улкан иморатлар, қасрлар қурадилар. Минглаб қулларнинг хизматларидан шодланиб, кибрга берилдилар. Аммо бу подшоҳнинг қурган қасрини ҳеч ким қайта қура олмайди. Унинг кошонаси улкан кўзгуга ўхшайди. Бу кўзгуда подшоҳнинг қудрати, ҳукмронлиги, адолати, ҳеч қачон завол топмайдиган улуғворлиги акс этади. Бу подшоҳ учун минглаб фаришталар ҳамд ўқиб турадилар. Бу подшоҳнинг таърифи ва тавсифини ақл англай олмайди, идрокнинг кучи етмайди...

Бу подшоҳнинг қуллари ададини ўзи билади, холос. Ҳеч ким унинг қудрати чегараси ҳақида тасаввурга эга эмас. Уша қуллари ичида биттаси бор. Эҳтимол, бу қулни қул эмас, ит деб аташ керакдир. Балки бу итни ит деб атаса ҳам ҳайф! Зотан, итнинг бу итдан мақоми банд бўлиши мумкин.

Бу қул ўз подшоҳини танийди, ўз подшоҳининг азамати ва улуғворлиги олдида таслимият келтирган. Аммо қул неъматнинг шукронасини қилмайди. Подшоҳ уни иззат қилиб шараф ва мукааррамлик тахтига тақлиф қилса, қул ўзини хорлик балчиғига қараб отади. Подшоҳ унга раҳм қилиб азизликка чорласа, у тубанлик чоҳига томон югуради.

Ҳар сафар қулнинг бутун вужуди, ҳатто терисининг тағлари, кўкрак қафасларигача ахлатга тўлади. Сассиқ балчиққа ботади. Томирларида қон эмас, бадбўй сув оқади. Шунда у дафъатан ўзининг расволигини англагандек сесканади. Сесканади ва уйғонгандек бўлади. Сўнг подшоҳга



ЛАҲЗАЛАРИНГ НУРИНИ СОҒИНДИМ...

таъзим қилади, унинг даргоҳига бориб йиғлайди, эгни-боши кир, лой ва қўланса бўлса ҳам, ҳеч подшоҳнинг қасри остонасидан ҳайдаб чиқармайди. Подшоҳ унинг бечорахоллиги, йиғи ва фарёдидан сўнг шафқат кўрғазиб, яна иззат тахтини унга раво кўради. Лекин қул қуллигига боради – изза тахтига ҳали ўтириб улгурмай яна нафс итининг орқасидан чопиб тубанлик кўчаларига кириб кетади... У ерда уни босқинчилар, қароқчилар талайди, уни урадилар, суяқларини синдирадилар, ханжар билан юракларини кесадилар, кўкракларини тилка-пора қиладилар ва жисмининг ичига нажосатни тўлдирдилар. Қул ўлим ёқасига келади. Ажал унинг қўлларини тутганини сезади. Қул кўрқиб кетади ва бу кўчадан қочиб чиқиб яна подшоҳнинг қасри олийшонига йўл олади. Қуввати кетиб йиқилади, оғзи-бурни қон, қўллари шилинган, суяқлари синган, ёриб ташланган қорнидан ичак-чавоқлари ерга тўкилиб, подшоҳнинг улуғвор даргоҳига интилади...

Ҳамма уни ўлиши аниқ деб ҳисоблаган онда подшоҳ унга қарам кўрсатгани ҳақида мужда келади. Уни қасри олийшонга киритадилар, ювиб-тарайдилар, шунча хорлик кўргани, чеккан азобу машаққатлари учун шараф тахти томон уни тақлиф этадилар. Агар қулнинг ақлу фаросати жойида бўлса, шараф тахтига шубҳасиз борган бўларди, лекин яна ўзини йўқотиб, олийшон қаср

эшигидан яна ташқарига қараб қадам босади...

Тасаввур қиялпсизми? Сиз подшоҳ бўлсангиз ва қулингиз шундай томошалар кўрсатса, нима дер эдингиз? Балки уни биринчи хатосини кўриб оқ улгимга ҳукм этардингиз! Сизга бир ҳақиқатни очаман: ўша қул менман, Нафс итига банди бўлган қул мен бўламан.

Чексиз қудрат соҳиби бўлган подшоҳ эса Оллоҳ таолодир. Унинг қасри олийшонни масжиддир, жойнамаздир. Унинг ёпилмай турган остонаси – тавбадир. Мен қул адашиб юрган кўчалар эса менинг нафсим бошлаган хорликдир...

Оллоҳ таолонинг қарам эса – Рамазони шарифдир.

Бугун Рамазони шарифнинг биринчи кунидаман. Аҳволим ғариб бўлиб Оллоҳнинг байти олдида турибман. Озурдаман. Қилган хатоларим, гуноҳларим елкамга юклаб ташланган. Бу юкнинг оғирлигидан бўйним эзилиб, белим майишиб кетган. Агар подшоҳ менга шафқат кўрғазмаса, қиёматга қадар бу юк билан кетиб, у кунда сирот кўпригида бу юк мени жаҳаннамга тортиб кетмоғи мумкин... Астағфируллоҳ!

Оллоҳим!

Рамазонга етказганинг учун шукур. Гуноҳлардан покланмоқ имкони учун, очилган тавба эшиклари учун, тавалло ва ибодатнинг буюк онлари учун шукурлар бўлсин. Рамазоннинг хайрини, яхшилигини, гўзаллигини руҳим оламига кўчиргин, Оллоҳим...

Абдуллоҳ Нусрат



Рамазон ойида Ўзбекистонда ифтор тақиқланди

Бу йилги Рамазон ойида ҳатто масжидларда ифторлик бериш ҳукумат тарафидан тақиқланди.

Ўзбекистон Мусулмонлари

идораси расмийлари, Озодлик радиоси тасдиғига кўра, бугунги кунда ифтор бериш бидъат эканини айтишмоқда.

Ўзбекистонда кўп йиллардан бери Рамазон ойи ибодатларига турли чекловлар жорий қилинади. Лекин диний идора буни илк бор

таъ олмоқда.

Ўтган йили ҳукумат болаларни Хайит намозига олиб бормаслик ҳақида ота-оналардан тилхатлар

олгани, талабни бузганлар 15 минимал ойлик миқдорда жаримага тортилиши ҳақида огоҳлантирилгани ҳақида билдирилгани 17 ёшгача бўлганларни Хайит намози пайти масжидга яқин йўлатмаслик қаттиқ топширилганди.

Тошкентдаги “Хўжа Аламбардор” жомеъ масжиди мутаваллилари, нафақат Хайит намозлари балки жума намозларига ҳам, болаларни қўймагани қайд қилинганди.

Бу йил эса навбат масжидларда ифтор беришни тақиқлашга керди.

Рассом Туз

Манба: www.eltuz.com

Тошкентда портлашлар содир бўлди

9 июнь куни окшомида, соат 22.30 дан бошлаб беш дақиқа мобайнида Тошкентдаги собиқ Текстиль комбинати ҳудудида 6 та портлаш рўй берди, дея хабар беради Ўзбекистон пойтахтидаги манбаларимиз.

Уларнинг айтишларича, ҳар бир портлаш ярим-бир дақиқа оралиқларида содир бўлиб, улардан сўнг комбинат ҳудудидан осмонга катта аланга ва қора тутун кўтарилган.

“Тахминан 10-15 дақиқа ичида комбинат атрофи милиция патрули ва ўт ўчириш машиналарига тўлиб кетди. Бундан ташқари, воқеа содир бўлган жойга Қўшбеги ва Бошлиқ мавзеларида яшовчи баъзи фуқаролар ҳам тўплана бошлади. Шундан сўнг, милиция ходимлари одамларни тарқатишга тушиб, портлашлар содир бўлган ҳудуд атрофини бир соатга фуқаролардан ва автомобиллардан тўсиб қўйишди”, — дея хабар беришди манбаларимиз.

Уларнинг маълумотларига кўра, комбинат ҳудудидаги хусусий цехларда жойлашган 6 та кимёвий цистерналар портлаб кетган.

Ушбу ҳолат бўйича, расмий идоралар ҳозирча ҳеч қандай хабар ёки баёнот тарқатишмади, тунги портлашлар нима сабабдан рўй берганига очиқлама беришмади.

ЎХХ ахборот бўлими



Ўзбекистонда рўздорларга қарши босимлар кучайди

Тошкентнинг Чиноз шаҳрида яшовчи Марҳамат Мирзаева ҳуқуқ ҳимоячиларига «диндорларга нисбатан ҳукумат террорни кучайтираётгани» ҳақида ариза берди. 10 июн куни, Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Сураат Икромов тарқатган матбуот билдиришига кўра, рўза бошланган 2016 йилнинг 6 июнидан буён Чиноз туман Ички ишлар ходимлари тинч мусулмонларга нисбатан кенг миқёсда тазйиқ ва таъқибларини бошлаб юборишган.

Ҳаво даражаси 40-42 даражага чиққан айни жазирама кунларда милиция ходимлари диндорларнинг уйларига кириб, улардан ТИИВга етиб келишларини талаб қилишган, у ерда эса ҳеч бир айбловларсиз 8 соатлаб ушлаб ўтиришган.

Бу ҳақда Инсон ҳуқуқи ҳимоячиларига мурожаат қилган 62 ёш кекса аёл Марҳамат Мирзаевага кўра, унинг уйига 9 июн куни соат 15.30 да Лазиз исмли участка нозири билан бирга

келган милиционерлар у ва келини Нигора Сўпижоновна(1977)ни Чиноз ТИИВга боришгани ва Россияда мардикорлик қилаётган ўғлини келтиришни талаб қилишган.

Муттасил дўқ пўписалар натижасида Нигора Сўпижоновнинг юраги ўйнаб қолган, “тез ёрдам” чақириб уни туман шифохонасига олиб боришган. Айни пайтда, УМХҚТГга Қашқадарё вилоятининг Косон 64/51 колониясида ҳам диндор маҳкумларга нисбатан режимнинг кучайтирилгани, уларга рўзага риоя қилиш имкони берилмаётгани ва диний сабаблар билан қамалганларга шафқатсиз муносабатда бўлинаётгани ҳақида маълумотлар келиб тушган.

Шунингдек, 23-24 июнда Тошкентда ўтиши кутилаётган ШХТ саммити муносабати билан 20 июндан бошлаб мамлакатдаги барча қамоқхона ва тергов ҳибсхоналари ўн кунга беркилиши айтилади ҳуқуқ ҳимоя ташкилоти билдиришида.

Манба: Eltuz.com

Аллоҳ таоло айтади:
«Эй иймон келтирганлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан олдин ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши касал ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутати» (Бақара сураси, 183–184-оят).



Рамазон ва рўза тутишнинг фазилатлари

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳ таолодан нақл қилиб айтганларки: «Ҳар бир одам боласининг амали ўзи учун, илло рўзаси бундан мустаснодир.

Рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Ўзим берурман». Чунки рўза бошқа ибодатлар каби инсон кўзи тушадиган, барча хабардор бўладиган амал эмас. Уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким кўра олмайди. Шу сабаб Аллоҳ таоло бу амалнинг мукофоти ёлғиз ўзига тааллуқли эканининг хабарини берди. Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Қиёмат куни кушларники каби қаноти бор инсонлар келади. Улар қанотлари билан жаннат девори устига учиб боришганида, жаннат кўриқчиси: «Сизлар кимсизлар?» деб сўрайди. Улар: «Муҳаммад (алайҳиссалом) умматиданмиз», дейишади. «Ҳисоб-китобни кўрдингизми?» деб сўраганда, «Йўқ», деб жавоб беришади. Фаришта улардан: «Сизлар сирот кўпригини кўрдиларингизми?» деб сўрайди. Улар: «Йўқ», деб жавоб беришади. Сўнг: «Сизлар бу даражага нима билан эришдингиз?» дейди. «Биз дунё ҳовлисида Аллоҳга махфий (берие) ибодат қилганмиз. Охиратда Аллоҳ ҳам бизни жаннатга махфий ҳолатда киргизмоқда», дейди улар («Зубдатул воизийн»).

Рўздор очлик ва чанқоқлик туфайли ҳалок бўлишидан хавфсираса ёки касал бўлса, рўза аҳволини оғирлаштира, унинг рўза тутмаслиги дуруст бўлади.

Бу зарурат ҳолидадир. Албатта, зарурат ҳолида таъқиқлар мубоҳ бўлади («Равзатул уламо»).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу

алайҳи васаллам) айтадилар: «Менинг умматимга олдинги умматларнинг бирортасига ато қилинмаган бешта хислат берилди: 1) рамазон ойининг аввалги кечасида Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарайди. Аллоҳ қайси бандасига раҳмат назари билан қараган бўлса, абадий азоб қилмайди; 2) Аллоҳ малоикаларга Муҳаммад (алайҳиссалом) уммати учун истиғфор айтишни буюради; 3) рўздор кишининг оғзидан чиққан хид Аллоҳ наздида мушки анбардан ҳам хушбўйроқдир; 4) Аллоҳ таоло жаннатга: «Зийнатлан», деб буюради ва сўнг: «Мўмин бандаларимга жаннат бўлсин, улар Менинг дўстларимдир», дейди; 5) Аллоҳ таоло уларни мағфират қилади». Шунинг учун ҳам Абу Хурайра (р.а.) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ривоят қилган ҳадисда айтилганки: «Ким рамазон ойи рўзасини иймон ва ихлос билан тутса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади» («Зубдатул воизийн»).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: «Рамазоннинг ҳар бир соатида Қадр кечасигача олти юз мингта дўзахга маҳкум бўлган киши дўзахдан озод қилинадилар, Қадр кечасида эса, ойнинг аввалидан бошлаб унғача озод қилинганлар миқдорича киши озод қилинади. Ҳайит куни эса, бу муборак ойнинг бошидан то охиригача озод қилинганларнинг ададича киши озод қилинади» («Мишкот»).

Жобир (р.а.) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ривоят қилганлар: «Рамазон ойининг охириги кечасида еру осмонлар ва малоикалар: «Муҳаммад (алайҳиссалом)

умматига мусибат бўлди», деб йиғлайдилар. Шунда: «Эй Расулulloҳ, у қандай мусибат экан?» деб сўрашди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: «Рамазоннинг кетишидир. Чунки бу ойда дуолар мустажоб, садақалар мақбул, яхшиликлар кўпайтирилган, азоб эса, дафъ қилингандир». Рамазоннинг кетишидан ҳам каттароқ

мусибат борми! Осмонлару ер ва малоикалар йиғлашидан кўра, бизлар афсусланишга ва йиғлашга ҳақлироқмиз. Чунки бу фазилат қароматлар улардан эмас, биздан узилмоқда («Ҳаётул кулуб»).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: «Ким рўзани иймон ва ихлос билан тутса, ўтган гуноҳлари кечирилгай».

Айтишларича, рўза уч хил бўлади: 1. Авом рўзаси. 2. Хослар рўзаси. 3. Энг хос бандаларнинг рўзаси.

Омилар рўзаси қорин ва фаржларни шаҳватдан тийишдир. Хослар рўзаси солиҳ бандалар рўзаси бўлиб, инсон гуноҳлардан сақланиш билан бу даражага кўтарилади. Бу иш беш ишга давомли амал қилиш билан бўлади: 1. Номаҳрамларга қарамаслик. 2. Тилни ёлғон, ғийбат ва чақимчиликдан тийиш. Анас (р.а.) Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай деганларини ривоят қилганлар: «Беш нарса рўзани бузади (яъни, савобини кетказди): Ёлғон сўзлаш, ғийбат қилиш, чақимчилик, ёлғон қасам ва номаҳрамга шаҳват билан назар қилиш». 3. Макруҳ (бемаъни, гуноҳ гап-сўзларни, куй-кўшиқларни) эшитмаслик. 4. Жами аъзоларни гуноҳдан тийиш ва ифторда шубҳали таомлардан сақланиш. Чунки ҳалол таом билан ифторлик қилинган рўзада маъно йўқдир. Бунинг мисоли бир қасрни қуриб, кетидан уни бузганга ўхшайди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Қанчадан қанча рўза тутадиганлар бор. Уларнинг фақат очқаб, чанқагани

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қолади», деганлар. 5. Ифторда қоринни бўктириб таом емаслик. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтганларки: «Аллоҳ таоло учун ҳалол таом билан тўлдирилган қориндан кўра ғазаблироқ идиш йўқдир».

Хослар хосининг рўзаси эса, қалбни дунёвий фикрлар ва ҳар хил ғамлардан, бошқача қилиб айтганда, Аллоҳдан ташқари ҳар бир нарсадан ўзини тийишдан иборатдир. Шу мартабадаги рўзадор рўзаси давомида Аллоҳдан бошқа бирон нарсани тафаккур қилса, рўзаси очилади. Бу Пайғамбарлар ва сиддиқ бандалар мартабасидир. Чунки бу мақомнинг ҳақиқати Аллоҳга, якка Унинг ўзига юзланиш ва бошқалардан (махлуқоту мавжудотдан) юз ўгиришдир» («Зубдатул воизийн»).

Яхши билмоқ лозимки, рўза инсонларга сезилмайдиган амалдир, бу амални фақат Аллоҳ ва рўзадорнинг ўзигина билади.

Шунинг учун ҳам рўза банда ва Раббининг ўртасидаги хос ибодат деб айтилган. Аллоҳ таоло рўзага ажр бериш ёлғиз ўзига тааллуқли эканини айтди, яъни: «Рўза Менинг учундир. Мукофотини ўзим бераман».

Рўзанинг бошқа ибодатлардан яна бир фарқли фазилати шундаки, унда Аллоҳдан ўзгани шерик қилиш ҳеч бир қавм тарафидан содир бўлмаган. Масалан, мушриклар бутга сиғинишган, куёш ва ойга ибодат этишган, санамларга атаб қурбонлик қилишган, аммо уларга атаб рўза тутишмаган. Шунинг учун ҳам бу ибодатда Аллоҳга ҳеч ким ва ҳеч нарса шерик қилинмаган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ рўзани ўзига хослади, яъни: «Рўза Мен учундир, унинг мукофотини ўзим бераман», деб марҳамат қилган.

Абул Ҳасан: «Мукофотини ўзим бераман», деган сўзга шарҳ айтиб шундай дедилар: «Ҳар бир тоатнинг мукофоти жаннатдир, рўзанинг мукофоти эса, Аллоҳнинг ўзига йўлиқиш, Аллоҳга назар солиш ва Аллоҳнинг унга назар қилиши ҳамда У билан элчи ва таржимонсиз гаплашишдир. Бу сўзларни йодланг. Сиз муташаббеҳ (ўхшатувчилар) тоифасидан бўлманг. Бизнинг мазҳабда соим (рўзадор) хотинини ўпиши ва ушлаши ўзига ишонч бўлган вақтда дуруст. Аммо ушлаш инзол ёки жимо хавфини пайдо қилса, дуруст эмас». (Инзол – эркак ва аёл пушт



сувинг чиқиши.)

Саид ибн Мусайяб: «Рўзадорга хотинини ўпиш ёки ушлашга инзолдан хавф қилган ёки ундан эмин бўлган вақтда ҳам рухсат берилмайди», деганлар. Бу гапларини тасдиқлаш мақсадида Ибн Аббосдан (р.а.) қуйидагиларни ривоят қилганлар: «Бир йигит Ибн Аббоснинг олдига келиб сўради: «Рўзадор ҳолимда хотинимни ўпсам бўладими?» Ибн Аббос: «Йўқ», дедилар. Сўнг у кишининг олдига бир чол келди. «Рўзадор ҳолимда кампиримни ўпсам бўладими?» деди. Ибн Аббос: «Бўлади», деб жавоб бердилар. Шунда ҳалиги йигит келиб: «Ҳаммамиз бир динда бўлсак, нима учун менга ҳаром қилган нарсани унга ҳалол қилдингиз», деди. Ибн Аббос: «У чолдир, ўз аъзосига эгалик қила олади. Сен эса, шавҳат вақтида аъзойинга эга бўлолмайсан», дедилар («Равзатул уламо»).

Рўзадан мақсад Аллоҳнинг душманига қаҳр қилмоқдир. Чунки шайтоннинг васвасаси ҳам шавҳат билан амалга ошади. Шаҳват эса кўп ейиш ва ичиш билан ҳосил бўлади. Шунинг учун Аллоҳнинг душманига қаҳр қилиш, шавҳатни синдириш емишни озайтириш билан бўлади.

Рўзанинг машру қилиниши ҳақида қуйидагича ривоят бор: Аллоҳ ақлни яратиб, унга: «Олдинга ўгирил», деди. У ўгирилди. Сўнг «Орқанга ўгирил», деди. Яна ўгирилди. Кейин Аллоҳ: «Сен кимсан-у Мен кимман?» деб савол қилди. Ақл: «Сен Раббимсан, мен эса, заиф қулингдирман», деди. Шунда Аллоҳ ақлга: «Сендан кўра азирок махлуқ яратмаганман», деди. Сўнг Аллоҳ нафсни яратиб унга: «Олдинга ўгирил», деди, аммо

у итоат этмади. Шунда Аллоҳ: «Сен кимсан ва Мен кимман?» деди. Нафс: «Мен менман, Сен Сенсан», деб жавоб қилди. Сўнг Аллоҳ уни юз йил жаҳаннам ўтида азоблади. Кейин жаҳаннамдан чиқариб: «Сен кимсану Мен кимман?» деди. Нафс яна олдингидай жавоб қилди. Шундан сўнг Аллоҳ уни очлик оловида юз йил азоблади. Нафс шундан сўнггина ўзининг банда эканига иқрор бўлди ва Раббига тазарру қилди. Шу сабаб Аллоҳ таоло нафсга рўзани фарз қилди» («Мишкот»).

Рўзани ўттиз кун қилиб белгиланишидаги ҳикмат шуки, айтишларича отамиз Одам жаннатда ўзларига ман қилинган дарахт мевасидан еб кўйгач, у емиш ўттиз кун қоринларида қолди. Сўнгра Аллоҳга тавба қилдилар. Шунда Аллоҳ унга ўттиз кеча-кундуз рўза тутишни буюрди. Чунки дунёнинг лаззати тўрттадир. Биринчиси ейиш. Иккинчиси ичиш. Учинчиси жимў. Тўртинчиси уйку. Бу лаззатлар бандани Аллоҳдан тўсувчидир. Аллоҳ таоло Ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва у зотнинг умматларига фазл-карами билан фақат кундуз кун рўза тутишни фарз қилиб, кечкурунда еб-ичишга рухсат берди («Бахжатул анвар»).

Ҳикоя қилинишича, бир маъжусий ўғлини рамазон ойида бозорда таом еб юрганини кўриб қолиб урди, «Мусулмонларнинг ҳурматини муборак ойларида нима учун жойига қўймайсан», деб койиди. Бир мажусийки рамазонни шарафлаб шунчалик қилса, мусулмонлар қанчалик унинг ҳурматига риоя қилишлари лозим

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нақл қилганларки: «Ҳар бир одам боласининг қилган ишини Аллоҳ ажрини ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтиради. Магар рўза Унинг учундир, мукофотини Унинг ўзи беради».

Уламолар ушбу ҳадиси хусусида, ҳар хил фикрлар билдиришган. 1. Рўзага риё аралашмайди. У қалбан бажариладиган нарса, бошқа амалларга риё аралашган бўлиши мумкин. Чунки рўзадан бошқа ибодатлар ҳатти-ҳаракат билан содир қилинади. Ибодатлар ичида фақат рўзагина инсонлардан махфий, ниятнинг ўзи билан амалга оширилади. 2. «Унинг ўзи мукофотлайди», сўзининг маъноси рўзага бериладиган ажр-савоб миқдорини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, деганидир. 3. «Рўза Аллоҳ учун, Аллоҳ уни мукофотлайди», дегани «Аллоҳ холисона қилинган ибодатни ёқтиради», деган маънодадир. 4. Бу ўринда ташриф улуғлаш бўляпти, чунончи «Байтуллоҳ» сўзидагига ўхшаш. 5. Таом ва емишлардан беҳожат бўлиш ёлғиз Аллоҳнинг сифатидандир. Мўмин рўзадор бўлганида мана шу илоҳий сифат билан хулкланади, Аллоҳга қурбат ҳосил қилади. 6. Бунда малоикаларга ўхшашлик ҳам бордир. Чунки малоикалар таомдан беҳожатдирлар. 7. Ҳамма ибодатларда баъзан бандаларга зулм етказиб қўйиш эҳтимоли бор, рўзада эса, бундай эмас. Уламои киромлар, Аллоҳ учун тутилган

рўза тилида ва ишида гуноҳлардан сақланган кишининг рўзаси эканига иттифоқ қилишган.

Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ривоят қилинади: «Ким рўзани иймон ва ихлос билан тутса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади». Бу сўзлар ҳақ-ростдир.

Анас ибн Молик (р.а.) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ривоят қилиб, бундай деганлар: «Ҳар бир дуо ва осмон ўртасида парда бор. Токи Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саловот айтилмагунгача, дуо қабул бўлмас. Агар саловот йўлланса, у парда куйиб, дуо осмонга чиқади. Агар саловот айтилмаса, дуо қайтиб тушади».

Ҳикоя қилинишича, солихлардан бири намозда ўтирар экан, саловот ўқишни эсдан чиқариб, салом бериб юборди. Шу куни тушида Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўрди. У зот: «Менга саловот айтишни эсдан чиқардинг», дедилар. Шунда у киши: «Ё Расулуллоҳ! Мен Аллоҳнинг ибодати ва мадҳи ила машғул бўлиб, сизга саловот айтишни эсдан чиқарибман», деб айтди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унга қарата: «Аё, сен менинг: «Амаллар ва дуолар то менга саловот айтилмагунгача тўхтаб тургувчидир», деган гапимни эшитмаганмисан?! Зеро, банд Қиёмат куни бутун дунё аҳлининг эзгу амаллари мислича амал билан келса, токи унда менга йўлланган саловот бўлмас экан, унинг бирор яхшилиги ҳам қабул қилинмайди. Балки ўзига қайтарилади», дедилар («Зубдах»).

Мусо (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Раббига муножот қилиб: «Эй Раббим! Бирор бандангни мени икром қилганингчалик икром қилганмисан? Ахир, Сен менга ўз каломингни эшиттирдинг», дедилар. Шунда Аллоҳ: «Эй Мусо! Мен сен билан гаплашган вақтимда ўртамизда етмиш минг парда бор эди. Лекин охир замон бўлганда Менинг шундай бандаларим бўлгайки, Мен уларни рамазон ойи билан икром қиламан, уларга Мен бу муборак ойда жудаям яқин бўламан. Уммати Муҳаммад рўза тутиб, лаби оқариб, рангги сарғайиб ифторликка ўтирган сонияларда Мен шу пардаларни кўтараман. Эй Мусо! Рамазон ойда қорни оч қолиб, жигари куйганларга жаннат бўлсин. Мен уларни жамолимни кўришдек улкан бахтга мушарраф қилгайман».

Шунинг учун ҳам оқиллар бу ойнинг ҳурматини билишлари ва қалбни мусулмонларга нисбатан гина ва адоватлардан сақлашлари лозим бўлади. Шунингдек, хавфу ражо орасида рўзамиз қабул бўлдими ёки йўқми, деган кўркув туришлари керак. Зеро, Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ муттақийлардан қабул қилади», деб марҳамат қилган.


Хабарда келишича, рўзадорлар қабрларидан чиқиб, тутан рўзаларини танийдилар. Сўнг ҳар хил тухфалар берилгай, дастурхонларга таклиф қилингайлар, шунда уларга: «Сизлар инсонлар тўқ бўлиб, сувга қониб юрган вақтда оч ва чанқоқ эдиларингиз. Мана энди маза қилиб еб-ичинглар, бошқалар эса ҳисоб-китобдадир» («Танбеҳул ғофилийн»).

Ойиша онамиз (розияллоҳу анҳо) айтдилар: «Ким ихлос билан эътикоф ўтирса, олдинги гуноҳлари кечирилади».

Яна Ойиша онамиз айтганларки: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) рамазоннинг охириги ўн кунда эътикоф ўтирардилар. Вафот этган йиллари ҳам бу одатларига риоя қилдилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари). Шунинг учун у зотнинг вафотларидан кейин муҳтарама завжалари ҳам ўз уйларида эътикоф ўтиришди. Фуқаҳолар аёлларнинг уйларида эътикоф ўтиришлари мустаҳабдир, деганлар («Шарҳу машорихул анвор»).

Манба: qadriyat.uz





МУХАММАД АЛИ: «МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУХАММАД АЛИ БЎЛДИМ»

Ёшлигимда жуда қизиқувчан бола бўлганман. Бувим билан черковга борар у ерда ҳам жуда қизиқувчан эдим. Черковдаги расмларни кўриб савол берар эдим:

— Нега ҳамма фаришталар оқ рангда, Исус ҳам оқ рангда қолган ҳамма ёмон нарсалар эса қора рангда.

— Агарда сен ёмон инсон бўлсанг Қора рўйхатга тушасан ва ҳаттоки Иблис ҳам қора қизил рангда.

Ёвропаликлар бизни онгимизни бузишган. Аввалига бизни динимизни ўғирлашиб бизга ўзларининг исмларини беришган. Олтин медални ютганимдан сўнг Оқ танлиларни ўз ўрнига қўйиб қўяман деб ўйладим ва «DOWN-TOWN» ресторанига кириб келдим. У ерда Қора танли инсон овқатлана олмас эди.

Олтин медал, Олимпия чемпиони ва мен бирон нима буюртма қилмоқчи эдим. Мен ҳаммаси жойида мен камбағал эмасман дедим лекин мени шундай бўлсада ресторандан хайдаб юборишди. Жуда ҳам ҳафа бўлдим бундан ва мен дарё қирғоғига бориб Олтин медалимни сувга улоқтирдим.

Мен Мухаммад Пайғамбар ва Ислом динида ирқчилик йўқлиги ҳақида эшитгандим. Кейин масжидга бордим оёқ кийимимни

ечиб Масжид ичига ҳафа холатда кирдим. Ҳамма жим ўтирар намоз вақтини кутишар эди, мен уларни кузата бошладим.

Ўз кўзларимга ишонмадим Оқ танлилар Қора танлилар билан гаплашишар, бирга кулишар ва ибодат қилшар эди мен буни кўриб жуда ҳам қувондим. Мен Оқ танли қора танлини кучоклаганини кўрдим ва бу мен учун чакмоқ зарбасидай бўлди. Мен уларни кузатаётганимда Имом келди ва Сени олдин бу ерда кўрмаган эдим дея сўз бошлади. Мен эса Мусулмон бўлшни хохлашимни айтдим ва Имом албатда ибодатдан сўнг деди.

Намоздан кейин у мени олдида чорладида ва «Тан оласанми сен, Аллоҳдан бошқа худо йўқ ва Мухаммад (С.А.В) унинг кули ва расули» мен ҳа дедим қолганлар эса «АЛЛОҲУ АКБАР» дея қичқиришди. Мен йиғлаб юбораман дея ўйламагандим, кўпчилик ва ҳатто Имом ҳам йиғлаб юборди.

Мени табриклаб бағрларига босишди, исмимни Мухаммадга алмаштирдим.

Мен буюкликдан ҳам устун бўлдим ва ҳатто чемпион бўлганимда ҳам йиғламадим, лекин Мусулмон бўлган куним йиғлаб юбордим. Мен кўпроқ Мусулмонман боксчидан кўра»

Халқ қаҳрамонини бир бегемотчалик қадри йўқми?

Бугун Давр информацион кўрсатувида кўзим тушиб қолди. Канадада эллик олтига кирган бегемот бор экан. Шунинг янгилик қилиб берди.

Аммо Ўзбекистон қаҳрамони бу дунёни тарк этгани ҳақида эса жим. Халқ қаҳрамонини танимаса ундай унвон кимга керак?! Халқ шоири, халқ қаҳрамонини бир бегемотчалик қадри йўқ бўлса. Қачонгача ёлғонга қурилган информациялар халқга берилади? Австралиядagi олмаларни кўршапалаклар еб кетгани ҳақида гапиришади, аммо нима учун устига бомба ёғилаётган давлат ҳақида жим?! Нима учун Финляндиядаги Ҳоккей мусобоқасида ўйнаган итга қизиқ бўлмаган жамоалар ҳақида хабар берилади, аммо ўзини стадион биносидан ташлаган қиз, ёки бахтсиз воқеа туфайли қамчиқ давонида ўлган тўрт одам ҳақида гапирмайди?

Агар Россия ёки Қозоқларда қаҳрамон ўлса ардоқланади, телевиденя жар солади. Қилган хизматлари ҳақида кўрсатувлар қилади. Аммо бизнинг қаҳрамонларни ҳеч ким танимайди. Телевиденя ва журналистлар машшоқлару яллагиларни гапириш билан овора. Халқ на қаҳрамонини, на бирор академикни ёки зиёлиларни танимаса, экранда фақат яллагилар, машшоқлару созандалар кўрсатилса, яна савиямиз ҳақида гапирилса кулгим келади. Аслида экрандаги ола бўжилар шу машшоқлардур.

Бу гаплар кўп ва хўп гапирилди. Аммо эртага шайтонлар занжирбанд қилинадиган кун. Ўртоқ журналистлар, телевиденя ходимлари, юкоридаги қорни катталар уйғонинглар, эртага ромазон. Бир оғиз телевиденяда йигирма беш миллиондан ортиқ мусулмони бор халқга қарата икки оғиз сўз айтсангиз сизни отиб ташлашмасе керак?!

«Facebook» ижтимоий тармоғидан олинди

**Рамазоннинг иккинчи кун
Бисмиллаҳир роҳманир
роҳийм.**

**Раҳмон ва Раҳим Оллоҳ номи
ила.**

Олаётган нафасим, ўтказётган онларимда ажиб гўзаллик пайдо бўлгандек. Бу гўзалликнинг таърифини айтиб бериш анчагина мушкул...

Кўнгил хотиржам. Узоқ вақтдан буён йўқотганим, соғинганим ҳаловат қалбим эшикларини очиб, сассиз, садосиз, аммо салобат ва шукуҳ ила кириб келаётгандек.

Оламнинг энг катта жумбоғи Инсон дейишади. Инсонни мураккаб ҳодиса дейишади. Инсонни англаб бўлмайди дейишади. Ёнингда кўриб юрганинг инсонлар ҳар лаҳза сен кутмаган ишларни қилиб, ақлингни шошириб қўйишлари мумкин дейишади.

Дўпини бошдан олиб ўйлаб боқсак, бу икромларнинг, хулосаларнинг тагида ҳақиқат борга ўхшайди. Бироқ нима учун деган саволни ҳам берсак, қандай бўларкан?

Нима учун инсон оламнинг жумбоғи? Нима учун инсон мураккаб ҳодиса? Нима учун инсонни англаб бўлмайди? Нима учун ёнимизда кўриб, таниб, билиб юрганимиз инсонлар биз кутмаган ишларни қилиб, ақлимизни шошириб қўйишлари мумкин? Нима учун?

Эҳтимол, бу саволларнинг жавоби сизда бўлиши мумкин, албатта, бизда ҳам бу саволлар қаршисида ўзига хос бир қониккиш бор, уларни баён этмақдан аввал айтажагимиз мазкур: инсон шу қадар мураккаб, англаниши маҳол сир экан, демак, ундан юқорида ҳам бир Сир бор. Ана шу Сирни тушунган, ҳис этган кунимиз Инсоннинг синоати фатҳ бўлади.

Бугун Ғарб олами олимлари шуғулланаётган масалаларга эътибор бериб кўрсак. Чунки аксариятимизнинг наздимизда Ғарб олами тараққиётнинг моделидир. Давлат тузилиши, ҳаётидаги қулайликлар, танлаган йўли кўп ҳолларда афзал ва чиройли кўринади. Биз айтамызки, Ғарбнинг бизга тўғри келмайдиган жиҳатлари бўлса-да, унинг бошқа ижобий томонларини ўзлаштиришимиз керак.

Дарҳақиқат, шундай. Мана шу тушунча ва хулоса билан Ғарб олимларининг ишларига назар солсак, уларнинг ўртасида



Сабр ила шукру ҳаё...

иккига бўлиниш юзага келганига гувоҳ бўламиз: табиатпарастлар – уларни натуралист деб аташади. Табиатпарастларнинг фикрига кўра, бутун олам яхлит шаклда бир табиатдир. Ҳар бир юз беражак ҳодиса шу табиатнинг ҳаракати асосида ҳаракатга келади. Бир ҳодиса ўзидан аввалгининг давоми ва кейингининг бошланишидир. Ҳамма нарсанинг қонуниятлари бор. Уларнинг тадқиқотлари шу чегарада қолган. Бу тоифани яна бир ном билан моддапарастлар дейишади ҳам. Иккинчи тоифа эса табиатпарастларга кескин қарши муносабатдадилар. Улар юз бераётган воқеликларнинг инсон миясида акс этиши ҳақида изланиш олиб боришади. Оламни модда эмас, тасаввур деб билишади. Коинот бизнинг тасаввуримиз даражасида мавжуд. Биз тасаввур қилмасак, у мавжуд эмас. Ана шу иккинчи тоифанинг асосий фикри. Буларни тасаввурпарастлар десак, тўғри бўлар балки.

Тасаввурпарастларнинг тадқиқотларида кўтарилган масалаларни қаранг: зерикиш, ёлғизлик, унинг сабаблари, онда оламнинг акс этиши, барбод бўлиши...

Бу икки кутбнинг бирлашувчи маркази – Инсондир. Бу икки тоифа ҳам Инсонни тадқиқ қилади. Шунча куч ва уринишлар эвазига ҳали-ҳамон Инсон ҳақида аниқ тўхтама қилишгани йўқ. Улар гоҳида мутлақ Ҳақиқатга яқин келадилар, аммо атрофидан айланиб-айланиб яна дайидигани равона бўлишади.

Мутлақ Ҳақиқат шуки, Инсонни Оллоҳ таоло яратди. Одам Ато алайҳиссалом жаннатдан

чиқарилгач, ибодат, итоат, тавба ила то қиёмат қойим бўлгунга қадар унинг болалари Ер юзи ҳаётини яшайдилар. Бу яшаш давомида Оллоҳнинг амру фармонларига итоат қилиш керак. Саодат, бахт шунда. Бундан бошқа йўлни излаш хатодир.

Ислом айни ўзимизни Оллоҳ изнига топширмак. Балки унинг изни ва ихтиёрида эканимизни бутун борлигимиз, вужудимиз ила ҳис этмакдир. Айнан шу мусулмонликдир.

Мусулмонмиз, Алҳамдулиллаҳ.

Бироқ инсоннинг мураккаблиги, Оллоҳ берган зийнат – характер, атвор сабабли унутишга мойил. Туйғулар, хулосалар, фикрлар – ҳамма-ҳаммаси янгилашиб туришга муҳтож. Агар намоз ўқимасак, рўза тутмасак, закот бермасак, ҳажга бормасак, иймон лаззатини ҳис этмай қоламиз. Оллоҳнинг биру борлигини ақлан билганимиз ва англаганимиз ҳолда Унинг қудрати, азамати ва лутфу карамини руҳимиз билан туймаймиз. Зотан, Оллоҳ амр этган ибодатларнинг ҳаммаси бандани Унга яқинлаштириш учун берилган имкондир.

Рўза эса ибодатлар ичида инсонни Оллоҳга яна ҳам яқинлаштирадиган бир ибодатдир. Намоз ўқиларкан, инсон руҳан ихлос мақомида Оллоҳга юзланажак. Аммо маълум вақтлардадир бу.

Рамазонда эса биз кун бўйи то рўза эканмиз, Оллоҳга ибодат қилаётган ҳисобидамиз. Чунки рўза Оллоҳ учундир.

Сиз учун кимдир яхшилиқ қилганми?

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Саволим дабдурустдан ғайритабиий туюлдими? Оддийгина мисол келтириб масалани ойдинлаштираман.

Умр йўлдошингиз сизнинг келишингизни кутади. Очикса-да, таомланмайди, балки сиз билан бирга ўтириб, меҳр кўрсатиб таомланишни истади. Эрталаб уйғонсангиз, таҳорат сувингизни тайёрлайди, либосларингизни тартиблайди. Сиз буларнинг ҳаммасини ўзингиз учун қилинаётганини ҳис этганингиз сари умр йўлдошингизга меҳрингиз зиёда бўлидади.

Энди иккинчи бир тамсил.

Фарзандингиз касал бўлса, ўзингизни қандай ҳис этасиз? Унинг учун қилган ишларингиз ёдингиздами? Унинг учун либослар, ўйинчоқлар, китоб, дафтар, ручка сотиб оласиз. Унинг кўзларида қувонч, миннатдорликни кўриш учун ҳаракат қиласиз. Яъни сиз болангиз учун яхшилик қиляпсиз.

Бу ерда инсонларнинг бир-бирлари учун қиладиган яхшиликларини мисол қилдик. Бу яхшиликларнинг ҳаммаси меҳру муҳаббатни зиёда қиладди.

Энди тасаввур қилинг: сиз Оллоҳ учун рўза тутмоқдасиз.

Оллоҳ буюргани учун тилингизни тиясиз, душманга-да, озор бермасликка интиласиз. Гиналарни унутасиз. Намоз ўқийсиз. Ҳамма-ҳамма хайрли амалларингиз замирида Оллоҳни рози қилиш истаги мужассам.

Сизни бошқаларга қилган яхшилигингиз ўзаро яқинликка сабаб бўлишини кўрдингиз. Тафаккур қилинг-чи, тутган рўзангиз Оллоҳ учун экани у ҳолда қандай экан? Рўзангиз сизни Оллоҳга қанчалик яқин қилишини ўйлаб кўринг-чи! Раҳбарлар, улў инсонларга ҳар биримиз ўзгача қизиқиш билан қараймиз. Бутун халқ эъозлаган инсонга сизда ҳам ўзгача бир муҳаббат бўлади. Агар у зот билан учрашсангиз, қалбингиз ҳапқиради, ҳаяжонга тушасиз, мабодо у одам сизга лутф кўрсатса, беҳад миннатдор бўласиз.

Бир ўйлаб боқайлик-чи: Оллоҳ таоло сизни ўзига яқин қилса, бу қандай бўлади? Оллоҳ таоло сизга лутф кўрсатса, буни ҳаяжон қанчалик улў бўлади?

Оллоҳ таоло бутун коинотни, оламни яратган. Борликда бизнинг ақлимиз етган ва етмаган ҳамма нарсанинг ягона Соҳиби у.

Демакки, бугун сиз ҳурмат қилиб юрган раҳбар ва бошқа улў инсонлар ҳам унинг оддий қулдир. Энди бутун оламнинг Соҳибига яқин бўлишни биз истамаймизми? Аммо унга қандай қилиб яқин бўлишимиз мумкин? Шубҳасиз, унинг амрларини адо қилиб.

Рўза айнан бизни Оллоҳга янада яқинлаштирадиган амалдир. Ҳар бир нафасимизда, ўтаётган лаҳзаларимизда Оллоҳ учун рўза тутаётганимизни ҳис қилиш инсонга жуда улкан ва бетакрор кўтаринкилик, ҳаловат бахш этади...

Рамазон бизга Оллоҳнинг қули эканимизни, Унинг изнида эканимизни, Унинг марҳамати, шафқати остида эканимизни англатади.

Ҳазрат Алишер Навоий ёзади:
**Бас ани инсон атагил бериё,
Ким ишидур сабр ила шуқру
ҳаё.**

Яъни, кимнинг иши сабр, шуқру, ҳаё бўлса, уни риёсиз инсон деб атагил!

Рамазон рўзасида риё қилиш мумкин эмас. Рамазонда қалбимиз нурга тўлиб, ёмон ишларни қилишдан уяламиз – Оллоҳдан ҳаё этамиз. Оч қолсақ-да, ташна бўлсақ-да, сабр этамиз. Сабр этар эканмиз, бу гўзал кунлар учун Оллоҳга шуқру қиламиз.

Демак, Рамазон бизга инсон эканимизни, Оллоҳга яқин бўла олишимиз мумкинлигини, шарафимизни, мақомимизни тушунтиради. Нафсимизни тарбия топиши учун ёрдам беради.

Рамазон бизнинг йил давомида тугун бўлиб қолган туйғуларимизни ечади. Қорайган, кир бўлган кўнглимизни ювади. Жисмимиздаги “юк”ларни кетказади. Рамазон оламнинг энг катта жумбоғи, ҳар лаҳза ёмонлик ва гуноҳлар қилиш мумкин бўлган инсонни ўзига ўзини тушунтиради. Рамазон ана шундай фазилатли ойдир.

Оллоҳим!

Бизга Рамазон кунларини муборак қил. Қалбимизни мум каби эрит. Рамазоннинг ҳар бир кунини шодликка, қурбатга тўла эт! Тутаётган рўзамизга муқофотни ўзинг беришингни ваъда этгансан, аммо бизнинг ҳамма амалларимиз каби рўзамизда қусур, нуқсон кўп. Нуқсон ва қусурларни фазлингга олиб афв айла.

Сенга ҳамиша муҳтожмиз. Фақат Сендан нажот кутаимиз.

Абдуллоҳ Нусрат



Қирғизистоннинг собик президенти Қурманбек Бакиевга ўқилган умрбод қамоқ ҳукми ўз кучида қолди

Қирғизистон ҳарбий суди биринчи инстанциянинг мамлакат собик президенти Қурманбек Бакиевни ва унинг укаси Жонибек Бакиевни умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилиш тўғрисидаги қарорини ўз кучида қолдирди. Улар 2010 йилнинг 7 апрелида қуролсиз халқни ёппасига қирғин қилишда айбдор деб топилган эди, деб эслатмоқда «Интерфакс».

Республика ҳарбий судига раислик қилувчи судья Нурлан Ашимбеков иккала Бакиев қотилликда, мансабини суиистеъмол қилишда айбдор деб топилганини, улар умрбод қамоқ жазосига мол-мулкни мусодара қилиш билан ҳукм этилганини яна бир бор эълон қилди.

Бакиев, шунингдек, 2002 йилнинг 17 мартада, Қирғизистон бош вазири лавозимини эгаллаб турганида мамлакатда фавқулодда вазият жорий этганликда ҳамда 2006 йилда муҳолиф сиёсатчи Омурбек Текебаевга қарши ноқонуний иш очганликда айбдор деб топилди.

Бакиевлардан ташқари, уларнинг шериклари, собик давлат мансабдорлари Дониёр Дунганов ва Нурлан Темирбоевлар 25 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди. Яна бир қатор жавобгарлар турли муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Қарорлар сирдан қабул қилинди — Бакиевлар айна пайтда чет ўлкада қочқинликда бўлиб, ҳукмни ижро этиш имконияти йўқ.

Манба: daryo.uz

Шу йилнинг 30 март куни менинг турмуш ўртоғимнинг хусусий мулки бўлган хонадонга онам Эшонкулова Малоҳатга суд томонидан солинган жаримани қоплаш мақсадида Учтепа туман суд ижрочилари томонидан босқинчилик уюштирилган эди.

Учтепа туман суд ижрочиларининг ҳатти-ҳаракатларини босқинчилик дейишга ҳақлиман.

Негаки, 10 киши бўлиб келган ижрочилар хонадон соҳибининг руҳсатисиз, унинг келишини кутмасдан уйга бостириб киришган ва 10 та талончи қўлига



қарамади, мусодара қилиш учун олиб кетилган мол-мулклар менинг, турмуш ўртоғимнинг, Шухрат Рустамовнинг мулки эканлигини исботловчи харид ҳужжатларига ҳам эътибор қилмади.

Судьяга кўра, Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи Махаммадиев имзоси билан судга “2016 йил 30 март куни Эшонкулова истиқомат қилаётган уйдан мусодара қилинган мол-мулклар нархланиб, сотиб юборилган. 7 турдаги сотилган мол-мулклардан тушган 2.307.600 маблағ департамент ҳисоб рақамига

Зарнигор АЛИМБЕКОВА: Давлат ўз фуқароларини тунаш ортидан кун кўраркан...

илинган нарсаларни қўтариб ўзларини эшикка уришган, тунаб тўлишгачгина далолатнома тузишган эди.

Мен, турмуш ўртоғим ва ҳуқуқбон Шухрат Рустамовлар ўзимизга тегишли бўлган мол-мулкларни рўйхатдан чиқариш ва қайтаришларини сўраб Учтепа туман суд ижрочилар бўлимига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига

даъво ариза киритган эдик.

Бугун, 2016 йилнинг 8 июнь куни бизнинг даъво аризамизга асосан суд жараёни бўлиб ўтди.

Оддийгина мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги суд жараёнига кузатувчи сифатида иштирок этиш мақсадида ташриф буюрган “Альянс” инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена Урлаева ва ҳуқуқбон Татьяна Давлатовалар киритилмади.

келиб тушган” деган мазмундаги сохта маълумотлар битилган хат тақдим этилган.

Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи Махаммадиев томонидан имзоланган хатни сохта дейишимга асос шуки, мазкур номага на сана қайд этилган, на да чиқиш рақами кўрсатилган.

“___.06.2016 йил” деб ёзилган холос.

Бунингдек тутуриқсиз хат асосида Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман суди иш кўриши мумкин. Бироқ ақли расо киши бунингдек номалар асосида қарор қабул қилмайди.

Дарҳақиқат, судья Хашимов суд ижрочиларининг хатига асосланган ҳолда биздан наконуний тарзда суд ижрочилар томонидан тортиб олинган, ўз уйимиздан тунаб кетилган мол-мулкларни қайтариб беришларини сўраб ёзган даъвомизни рад этиш тўғрисида қарор чиқарди.

Кузатишларим натижасида шунга амин бўлдимки, муаммонинг илдизи Учтепа туман суд ижрочиларида эмас, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман суди судьяларида ҳам ҳеч бир ҳуқуқ йўқ. Бор муаммо режимда.

Судья ва ижрочилар режим қўлидаги қўлларига арқон тортилган ёғоч кўғирчоқлар холос.

Президент қизлари миллиардлаб маблағларни ўмариши, қариндошлари миллионлаб халқ

“Кузатувчиларнинг зудлик билан хонадан чиқиб кетишларини талаб қиламан. Акс ҳолда суд бошқа кунга қолдирилади” деди Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро судининг судьяси Хашимов.

Провардида, биз, даъвогарлар суднинг к у з а т у в ч и л а р с и з ўтишига рози бўлишга мажбур бўлдик.

Суд деганларида умримда биринчи бўлиб иштирок этишим эди. Бу бир спектакль бўларкан.

Судья Хашимов ижро ҳаракатлари олиб борилган уй турмуш ўртоғимнинг хусусий мулки эканлигини т а с д и қ л о в ч и маълумотларга ҳам



(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

пулига ҳориждан кошоналар харид қилиши, корчолонларнинг талон-тарож қилишлари ортидан Ўзбекистон ҳукуматининг хазинаси бўшаб қолган. Бўм-бўш хазинани тўлдириш зарур. Айни дамда ҳукумат давлат идоралари хизматчиларига ойлик иш ҳақи тўлаш масаласида ҳам ожиз қолмоқда.

Хўш, шундай экан, у ҳолда нима қилиш керак?

Ўз Конституцион ҳуқуқидан фойдаланишни истаган, қонундан четга чиқмаган фуқароларга жарима солиши, тинч аҳолининг уйини тунаши, талашаи, ноқонуний

мусодаралар ортидан кўркаламуш каби кемириб битирган давлат хазинасини бут қилишлари зарур.

Бизга қарашли хусусий мулк – уйимиздан мол-мулкларимизни тунаб кетилиши ва пуллаб юборилиши ана шу заруратнинг – давлат хазинасини бутлаш йўлидаги уринишнинг дебочаси.

Суд ижрочилар никоби остидаги қороқчилар томонидан ноқонуний равишда мусодара қилинган мол-мулклар 2 миллион сўмга паулландими? Ана, боринг, нари борса 10 нафар давлат идорасидаги ишчининг бир ойлик маоши қопланишига кафолат бўлди ми?

Балки шу билан ҳукуматнинг қароқчилик қилаётган қонун

идоралари қайсидир маънода фойда кўргандек туйилиши мумкин. Бироқ бунингдек ноқонуний қора қилмиш ортидан ҳукумат жуда катта йўқотишга учради.

Фуқароларининг ишончини, ҳурматини паймол этди.

Бугун бизнинг хусусий мулкимизни ноқонуний тарзда тунаш орқали хазинага оз бўлса-да акча кирар.

Бироқ, эртагачи?

Эртага давлат хазинасини ниманинг эвазига тўлдираимиз?

Биз каби ўзгаларни ҳам қақшатиш орқалими?

Бу аҳволда ҳукумат бутун бошли фуқароларини бой бериб қўяди-ку!

Зарнигор АЛИМБЕКОВА



дейишга ҳаё йўл қўймайди-ку! Ахир, сени яратиб, йўқдан бор қилган зот учун бутун бошли йилда атиги ўттиз кун рўза тутасану, унинг машаққатидан шикоят қилишга, мушкулотни тилга чиқаришга, уялмайсанми?..

Кун бўйи давом этган рўза оқшомда ниҳоя топади. Томирларингга сув киради. Очлик чекилади. Ташналик йироклашади. Сўнг масжид томон йўл оласан. Масжиднинг ҳикмати ҳақида ўйлайсан, албатта. Агар масжиднинг ҳикматини, унинг

Масжидни Оллоҳга иймон келтирганлар обод этадилар.

Масжидни намозни тўқис адо этадиганлар обод қиладилар.

Масжидни закот берган кишилар обод этадилар.

Улар ҳидоят топган – тўғри йўлдаги кишилар бўлишлари мумкин!

Ояти каримадаги мазмун ушбу. Масжидни обод қилиш – унинг бузилган жойларини сувамоқми? Кир бўлган полларини артмоқми? Ҳовлисини супурмоқми? Эҳсон қутисига пул ташламоқми? Масжидни обод қилмоқ нима ўзи?

Ояти каримада келган **رَمَعِي** калимаси юқорида кўриб ўтганимиздек, обод қилади шаклида таржима қилинган. Аммо бу сўзнинг қурмоқ, барпо қилмоқ маънолари қаторида тўлдирмоқ, забт этмоқ каби мазмуни ҳам мавжуд. Демак, масжидни обод қилувчилар – уни тўлдириб, ибодат қилувчилар ҳамдир. Зотан, улар Оллоҳга иймон келтирмасалар, намоз ўқимасалар, закот бермасалар, қандай қилиб масжидни тўлдириб тура олишлари мумкин!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ким уйида таҳорат қилиб, Аллоҳнинг уйлари (масжидлар)дан бирига Аллоҳнинг фарзларидан бирини адо этиш учун юриб борса, унинг икки қадамидан бири ила хатоси ўчади, бошқаси билан даражаси кўтарилади”. (Имом Муслим, Термизий ва Насойлар ривояти)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: “Ким

Рамазон кундалиги: «Масжид — Саждагоҳ, Байтуллоҳ...»

Учинчи кун
Бисмиллаҳи роҳмани
роҳийм.

Раҳмон ва Раҳийм Оллоҳ номи ила.

Оламларни Ўз Қудрати ила яратган ва бизларни Ўзига ибодат қиладиган этган Оллоҳ таолога ададсиз ҳамду санолар бўлсин.

Илк бора Мадинада масжид қуриб, уммати учун буюк намуна кўрсатган пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга дуруд ва саловотларимиз бўлсин.

Рамазоннинг файзи – намоз билан. Рамазон кунлари намоз ўқиганинг сари қалбинг кўпроқ сажда қилишни буюради.

Очлик вужудингни роҳатлантиради, ташналик эса руҳингга қувват беради. Зотан, сен рўзани Оллоҳ учун тутмоқдасан! Шундай улуғ Зот учун рўза тутар экансан, қандай қилиб очикдим, ташнаман дейиш мумкин! Бундай

муборак маскан эканини тафаккур қилмасак, қандай қилиб у ерда бутун вужуд билан берилиб ибодат этмак мумкин?

Оллоҳ таоло Тавба сурасининг 18-оятида марҳамат қилади:

“Оллоҳнинг масжидларини фақат Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Оллоҳдангина кўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлишлари мумкин”.

Масжид – Оллоҳники. У ҳеч қачон хусусий бўлиши мумкин эмас. Демак, у Оллоҳники бўлди ми, унинг эшиклари Оллоҳнинг ҳамма қуллари учун очик. Оллоҳга иймон келтирган қул масжидга қадам босди ми, унинг кўкрагидан биров итара олмайди. Оллоҳ ҳеч кимни масжид эшиги тагига соқчи қилиб тайинламаган.

Масжидни Оллоҳдан кўрққан кишилар обод этадилар.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эртами-кечми масжид томон борса, Аллоҳ таоло унга ҳар эрта ва кеч юрганда жаннатдан манзил тайёрлайди”.

Оллоҳим, Сенга минг шукурлар бўлсинки, Сен қурбат эшикларини очиб қўйдинг. Рамазон ойида эса бу неъматинг зиёда бўлди.

Масжидга кирган ҳар киши Сенинг азаматингни ҳис этади, қалби кирлардан, қораликлардан тозаланади, ихлос эгаси бўлган ҳар бир мусулмон Сенга муҳаббат ила сажда қилади.

Инсон ўзи яхши билган ҳамма нарсани боласига қолдиришни истайди. Хусусан, динни ҳам. Мусулмон инсон аввало ўз динини боласига ўргатади. Ислום асосида фарзандини тарбиялашни хоҳлайди. Фарзандига инсон боласи Оллоҳ ризоси учунгина яшашини тушунтиради, бунга гузал амаллари ила исбот этади. Фарзандининг қалби ҳалим, иймонли бўлишини орзулайди ва шу орзу ила уни масжид сари етаклайди. Зотан, масжидда бўладиган маърузалар, ўқиладиган суралар бола онгини тиниқлаштиради, унинг навқирон қалбида иймон тўлқини мавжланишига, вужудида кўтаринки руҳ уйғониб, ахлоқи гузаллашувига сабаб бўлади.

Бола вақтини бекор ишларга эмас, балки яхшиликка бахшида қилишни ўрганади. У фақат ота-онаси олдида эмас, балки Оллоҳ олдида масъул эканини масжидга келиш билан англайди. Масжид – яхшиликлар туғиладиган бешик. Масжид – ҳеч қачон миннатни билмайдиган, бағри

кенг, нуруний ва хокисор даргоҳ. Айниқса, Рамазон кунлари ҳамма масжидлар байрамгоҳга айланади. Намозхонлар кўзларида қувонч, самимий муборакбодлар, ибодатга шошилган кўнгишлар... Бу шодиёнани на мустақиллик, на наврўз байрамида топа оласиз! Масжиддаги намозхоннинг тарових намозини ўқиш, ҳикматли мавъизаларни тинглаш орқали топадиган лаззатини ҳеч бир маконда ва ҳеч бир замонда топа билмайсиз. Чунки масжидда ҳаммаша илоҳий файз, фазл ва шуқуҳ бор.

Аммо масжид эшиклари ёпиқ бўлса-чи? Отаси шодлик билан тарових ўқигани кетяпман деганини кўриб, унга эргашган болани кўрганмисиз? У масжидга ҳали ибодат қилиш учун келмаса ҳам, бу даргоҳнинг файзидан баҳра олгани келади. Ҳеч бўлмаса, масжид ҳовлисида ўйнагани келади. У кун бўйи кўчада ўйин билан банд бўлиши мумкин, лекин масжид ҳовлиси, балки хонақоҳида ҳам ўйнаш бола учун жуда қизиқ. Бунинг зарари нима? Зарари эмас, балки ҳикмати бор – бола намозхонларни, чиройли ахлоқни кўриб хулқанади, биров чақирмаса ҳам намоз ўқигани отланади.

Бугун кўзларимда ёш бор. Қалбимда ўксиниш бор, Оллоҳим...

Сен менинг юртимни валийлар учун бешик қилдинг. Ўзинг юборган пайғамбарнинг изига қадам босадиган инсонни менинг ўлкамдан чиқардинг. Сен менинг Ватанимга ҳикмат ва эзгулик бахш этдинг. Бироқ бугун масжидга келаётган ўн ёшли укам масжидга кира олмайди. У масжид остонасида

милиционернинг қўлида йиғлаб қолишга мажбур. Мактабдан чиқиб масжидга келма дейишади унга.

Мен ўн икки ёшли ўғлимни олиб масжидга келаман. Лекин яна ўша милиционер йўлимни тўсади. Масжидга ўғлим кириши мумкин эмаслигини айтади. Мен таровихни ўқиб чикқунимча болам қаерда туради дейман. У эса бизнинг машинада ўйнаб ўтиради, йўқса, опкелмаслик керак эди дейди.

Бир ўзимми дея атрофга қарайман. Йўқ, бир ўзим эмас эканман. Масжидга кира олмай йиғлаётган битта менинг ўғлим эмас экан. Бундайлар кўп экан. Аммо бизни кўриб, индамасдан масжидга кириб кетаётганларнинг сони бундан ҳам кўп эди...

Ичкарига кираман. Масжид тўла одам. Мингларча одам. Лекин улар биргаликда кўчага чикмайдилар. Милиционер олдида бориб: “Болаларни масжидга киргазинг, намоз ўқийдилар!” – дея олишмайди. Чунки бу фитна! Зотан, имом хатибимиз бизга шуни гапирётган бўлади...

Оллоҳим!

Рамазоннинг муборак кунинда, Сен чексиз қувончлар бериб турган паллада бу ҳолдан юрагим парча-парча бўлади... Кўзларимга ёш қуйилади...

Оллоҳим, бизнинг гуноҳларимиз кўп. Шу гуноҳларимиз учун болаларимиз масжидга кира олмаяптилар. Ахир, уларда гуноҳ йўқ-ку! Бизнинг хатоларимиз шу қадар бисёрки, масжидга кира олмаётган болаларимизни ҳимоя қилишдан ҳам ожизмиз.

Оллоҳим!

Биз шу қадар риёкор ва мунофиқ бўлдикки, юртимизда масжидлар беркилиб кетса ҳам, индамадик. Индай олмадик. Сенга ибодат қилишимиз учун нима тўсиқ қўйсалар, жим бўлдик.

Оллоҳим, бу билан Сенинг қаҳриндан кўрқдикми ёки Сен берган жонни йўқотмакдан кўрқдикми – Ўзинг билгувчисан!..

Бизни кечир, Оллоҳим. Юртимга бугун Рамазон келган. Бугун мен Рамазоннинг учинчи рўзасини тутяпман. Қувончимни бутун қил: масжидларимизни кўпайтир, уни обод қилувчиларни кўпайтир! Пешонаси сажда кўрмаганларни Ўзингга таслим эт! Қалбларни ўз хидоятинг ила нурлантир!

Сен ҳаммасига қодирсан! Ўзинг Раҳмонсан, Ғафурсан, Сабурсан...

Абдуллоҳ Нусрат



Статистикага ишониб, Ўзбекистон иқтисодиёти йилига 8% ўсмоқда, мустақиллик даврида мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) уч бараварга, аҳоли даромадлари эса тўққиз бараварга ошган. Аммо шундай иқтисодий мўъжизага қарамасдан, мамлакатдаги меҳнатга яроқли аҳолининг деярли учдан бир қисми бошқа мамлакатларда ишлашни маъқул кўради.

ерда бутун иттифоқдаги пахтанинг учдан икки қисми етиштирилар эди. Иттифоқдаги суғориладиган ерларнинг 20 фоизи Ўзбекистон ҳисобига тўғри келарди. Энергетика, энгил саноат, озиқ-овқат ва оғир саноат изчил ривожланаётган эди. Республика фойдали қазилмаларга, айниқса газга бой бўлса ҳам, дотацияда бўлган –1991 йилда умумий иттифоқ бюджетидан субсидиялар Ўзбек ССР ЯИМининг

даврларда Ўзбекистон чегарасида навбат катта бўларди. Улар Ўзбекистонга қўшни мамлакатлар, жумладан Қозоғистондан маҳсулот ва товар сотиб олиш учун, айримлари эса ишлаб пул топиш учун келишарди. Бугунги ҳолат бутунлай тескари бўлиб, энди ўзбеклар Қозоғистонга интилмоқда. Қозоғистонда жон бошига ЯИМ Ўзбекистондагидан тахминан тўрт баравар юқори.

ЯИМНИ УЧ БАРАВАРГА ОШИРИШ. ЎЗБЕК ИҚТИСОДИЙ МЎЪЖИЗАСИНИНГ СИРИ НИМАДА

1990 йиллар бошида чиқарилган “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли китобда муаллиф, яъни Ўзбекистоннинг биринчи ва ҳозирча сўнгги президенти Ислон Каримов бешта тамойилни келтирган. Республика иқтисодиёти шу бешта тамойил асосида ривожланиши белгилаб қўйилди. Биринчиси – иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги; иккинчиси – давлат бош ислотчи экани; учинчиси – қонун устуворлиги; тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсат; бешинчиси – бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш.

Бу доктринанинг самарадорлиги ҳақида кўп баҳслашиш мумкин, аммо Жаҳон банкининг баёнотларига кўра, Ўзбекистонда ЯИМ йилдан-йилга барқарор ўсиб (7–8%) келмоқда. Ўзбекистоннинг ёпиқ бир давлат эканлиги туфайли Жаҳон банки расмий статистикадангина фойдалана олади. 90 йиллар бошига таққослаганда ўзбек иқтисоди уч бараварга ўсган, бунда инфляция ҳам ҳисобга олинган. Мамлакатда саноат кўлами (2015 йилда 8% ўсиш), қишлоқ хўжалиги (2015 йилда 6,8% ўсиш) ва савдо ўсиб бормоқда, ишсизлик даражаси пастлигича (5,2%) қолмоқда, аҳоли даромадлари ортмоқда (расмий баёнотларга кўра, мустақиллик йилларида тўққиз марта ортган).

Аммо қозғоқдаги рақамлар ҳаётга мос келмайди. Иқтисодий фаол аҳолининг учдан бири чет элда ишлаб юрибди, ватанда қолганлар одатда ойига \$150–350 учун ишлашга мажбур (маош ҳажми вилоятга қараб фарқ қилади, энг пастси — Қорақалпоғистонда, энг каттаси пойтахтда). Расмий Тошкент неча йиллардан бери эълон қилаётган иқтисодий мўъжизанинг натижалари қани?

Навбатларнинг авж олиши

Совет даврида Ўзбекистон иқтисоди деярли мутлақо хомашёга, биринчи навбатда пахтага ихтисослашган эди. Бу

19,5 фоизига етган. Аммо бу ерда қазиб чиқариладиган олтин ва уран республика бюджетига тушмасдан, тўғридан-тўғри марказга кетган. Ҳозир республика олтин захиралари бўйича дунёда тўртинчи ўринда, уран бўйича еттинчи ўринда туради.

Иттифоқнинг парчаланиб кетиши республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни узибгина қолмасдан, яна бир муаммони юзага чиқарди. Бу — юқори малакали мутахассисларнинг (биринчи навбатда саноат соҳаларидан) чиқиб кетиши бўлиб, бу ҳолат чекка республикаларда кенг кузатилган. Улуғ Ватан уруши даврида кўплаб корхоналар ходимлари билан бирга эвакуация қилинган Ўзбекистон учун буда жуда жиддий муаммо бўлди. 1987 йилда республикадаги ишчи кучининг учдан бирини бошқа халқ вакиллари ташкил этган, саноатда банд аҳолининг эса нақ 50 фоизини ташкил этган. Уларнинг аксарияти мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонни тарк этди: 2000 йилга келиб руслар сони ярим миллионгача камайди, татарлар –150 минг, немислар –30 минггача қолди, турклар, яҳудийлар, кўплаб корейслар ва греклар кетди.

Иттифоқ парчаланган даврда ҳудуддаги иқтисоди энг ривожланган республика бўлган Ўзбекистонда кризис даврида иқтисоддаги йўқотишларни камайтиришга эришилди. 1990–1995 йилларда ЯИМ 19 фоизгача қисқарди, ҳолбуки бутун МДХ бўйлаб бу кўрсаткич 37% эди. Натижада Ўзбекистон Озарбайжон ва Белоруссия билан бирга биринчилардан бўлиб иттифоқдан кейинги кризисни бартараф қилди, 2005 йилга келиб республика ЯИМ совет давридаги кўрсаткичлардан 38–39% юқори эди. Масалан, Россия иқтисоди 1990 йилги даражага 2007 йилдагина чиқа олди.

Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин, аммо совет иқтисоди таназзулга юз тутган пайтда, Ислон Каримов ҳукумати энди хўжалик юритишнинг ўз моделини яратган

Иқтисоддаги статистик ютуқлар билан фуқароларнинг ҳаёт даражаси пастлиги ўртасидаги фарқни расмий Тошкент аҳолининг ўсиши билан оқлаши мумкин. Мустақилликнинг 25 йилида аҳоли сони деярли икки баравар ўсиб, ҳозирда 30 миллиондан ошмоқда. Аслида эса “иқтисоднинг ўзбек моделини” тузишдаги хатоликлар ҳисобга олинса, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ҳақиқий кўрсаткичлар расмий кўрсаткичлардан анча узоқлигини тахмин қилиш мумкин. Бу расмий рақамларга Жаҳон банкининг мутахассисларигина эмас, балки Ислон Каримовнинг ўзи ҳам ишонади. Акс ҳолда президент миллионлаб фуқаролар ишлашга мамлакатдан чиқиб кетганига аччиқланмаган бўларди. Фуқаролар кетаётган жойда ҳаёт даражаси унинг мамлакатидан тўрт баравар юқорилиги, у ерда маошлар ойлаб кечиктирилмаслигини балки у билмас.

Янада босқичма-босқич

Иқтисодий хатоликлар ўша Каримов тақдим этган бешта тамойилнинг ўзидаёқ мавжуд эди. Ўзбек давлатининг якка-ю ягона вазифаси бу мавжуд тузумни сақлаб қолиш бўлиб, шу йўлда у самарали бозор ислотларига қаршилик кўрсатиши шубҳасиздир. Шунинг учун Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг совет тизими асос қилиб олинган бўлиб, коммунизм ғоясини президент шахсига сиғиниш билан алмаштиришган ҳамда “Ўзбекчилик” ғоясини қўллашган.

Ўзбекистон раҳбарияти нархларни эркинлаштирди, аммо шу билан бирга алоҳида озиқ-овқат маҳсулотлари учун тақсимот-меъёрий тизимни жорий этди. Импортга белгиланган тарифларнинг аксарияти бекор қилинди, аммо ташқи савдо қатъий бошқарув остида қолди – Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 70 фоиздан ортиғи давлатга тегишли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Миллий банк орқали ўтади. Хусусий корхоналар айниқса қишлоқ хўжалигида кўпайгани билан, давлат ҳали ҳам асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари бўлган пахта ва буғдойга давлат буюртмаси орқали квота ўрнатган. Яқиндан бошлаб давлат буюртмаси мева-сабзавотларга ҳам жорий этилди. Ерни хусусийлаштириш қисман амалга оширилди – қишлоқ хўжалигидаги кичик ишлаб чиқарувчиларга республика ер фондининг 20 фоизигина берилган. Яъни давлат хусусий корхоналарга нимани экиш, кимга сотишни буюради ва уларнинг маҳсулотига марказлашган тарзда нарх белгилайди. Бу нархлар харажатларни ҳам қопламайди.

Мустақиллик даврида мамлакатда тўлақонли тадбиркорлар синфи шаклланмади. Ҳаётнинг барча жабҳалари коррупциялашган ва кучишлатар органлар ҳамда президент атрофидагилар томонидан бошқариладиган бу мамлакатда бизнес билан шуғулланиш учун юқорида ҳомийларга эга бўлиш шарт. Ўзбекистонда мустақил иш юритишни истаган хорижий бизнес вакиллари учун жуда кўп бюрократик тўсиқлар ўрнатилган бўлиб, бу вазият инвесторларни чўчитади.

Газ, олтин ва уранга бой бу республика иқтисодига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2015 йилда бор-йўғи \$3,1 миллиардни ташкил этди. Қўшни Қозоғистонда кейинги йилларда бу кўрсаткич кескин тушиб кетган бўлса ҳам, бу миқдордан беш баравар юқори бўлди. Бунинг ўстига Ўзбекистон ҳукумати хорижий капитални тортиб олишдан уялмайди. Британиянинг олтин қазиб чиқарувчи Oхus Gold компанияси шу тарзда \$400 млн инвестициясидан айрилган.

Аммо Каримов ва унинг вазирлари 90 йиллар бошида қўйилган вазифалардан бирига эришганини тан олиш керак – республика ҳақиқатан ҳам иттифоқ пайтидаги пахта қарамлигидан озод бўлди. Расмий маълумотларга қараганда пахтанинг экспортдаги ҳиссаси 59,7% дан 7,7% гача камайган. Шу билан бирга ёқилғи ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш ортиб, бутун экспортнинг учдан бирини ташкил этмоқда. Пахта ҳам, ёқилғи маҳсулотлари ҳам давлат компаниялари тасарруфида.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашувдан қочиш харакатлари натижа берди – бугунги кунда ЯИМда қишлоқ хўжалиги улуши 17,6%, саноат улуши – 24%. Аммо аграр секторнинг қисқариши



билан саноат ошгани йўқ, балки бесўнақай ва бюрократияга ботган хизмат кўрсатиш сектори ошиб, ЯИМнинг 53 фоизига етди. Бу соҳада аҳолининг ярмидан кўпи банд. Ҳолбуки, Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалиги шу даражада автоматлаштирилиб кетиб, ишчи кучи бекор қолганича йўқ. Аксинча, аксарият фермер хўжаликларига техника ва ўғитлар етишмайди, улар жуда паст самарада ишлайди. Кўплаб саноат корхоналари совет давридан қолган қувватларда ишлайди. Бу соҳадаги вазият қоғоздаги ютуқлардан бошқача эканлигига исбот сифатида, яқинда Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, республикага эскирган ускуна ва технологиялар олиб кирган шахс 12 йилгача қамалиши мумкин. Қисқарди, аммо кескин ортди

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги тузалмас муаммоларидан бири бу нақд пулнинг, айниқса валютанинг етишмаслигидир. Ўтган йили банк секторидаги ликвидлик етишмаслиги \$600 млн миқдорига ҳисобланган. Бунинг оқибатида ҳаттоки “Ўзкимёсаноат”, “Ўзнефтьгаз” ва “Ўзпахтасаноат” каби стратегик корхоналарда ҳам маошлар кечиктириб берилди бошлади. Оддий ўзбекистонликлар учун эса маошнинг доимий кечикиши оддий ҳол бўлиб қолган. “Фарғона”даги маълумотларга кўра, 2015 йилнинг олти ойи учун республикада маошлар бўйича қарздорлик ҳажми триллион сўмдан ошган (расмий курс бўйича \$4 млрд атрофида).

Қора бозордаги курс расмий курсдан деярли икки баравар фарқ қиладиган мамлакатда нақд бўлмаган ҳисоб-китобларда доллар ва евро ишлатиш чеклаб қўйилган. Ўзбекистон ичида банк картасига туширилган хорижий валютани фақатгина расмий курс бўйича миллий валютада олиш мумкин. Қора бозор гуллаб-яшнамоқда, валютани исталган бозорчада алмаштириш мумкин. Валютачиларга мамлакат раҳбариятидагилар ҳомийлик қилишини яхши билгани учун расмийлар бунга тўсқинлик қилмайди. Республикадаги хар қандай валюта операциясини

назорат остига олишга ҳаракат қилган расмийлар жуда катта пул ҳажмини солиқ таъсири доирасидан чиқариб юборишган. Ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамадан, бу пул ҳажми нархларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг охирида қора бозорда доллар нархи кескин ошгани оқибатида озик-овқат маҳсулотлари нархи 10-20 фоизга кўтарилиб кетди. Бундай ўзгаришлар, албатта, инфляция бўйича расмий ҳисоботларда кўрсатилмайди.

Каримовга ишонилса, ўтган йили инфляция бор-йўғи 5,6% бўлган холос. Ҳарба бу инфляцияни ушбу қийматдан икки баравар катта деб баҳолашди.

Шу рақамлар орасидаги фарқнинг узигина ўзбек иқтисодий мўъжизасининг сирини очиб беради. Маҳаллий ҳайбаракалчилар қанчалик эҳтиёткор бўлишмасин, улар ҳам хато қилиб қўяди. Шундай ҳатолар оқибатида мамлакатдаги қўшиб-ёзишлар кўламини тасаввур қилиш мумкин. 2013 йил февралда Статистика қўмитаси сайтига чиқарилган ҳисоботда айтилишича, 2012 йилда экспорт ҳажми 5,1 фоизга камайган. Бу ҳисобот ёзилган саҳифа тез орада ўчириб ташланди, чунки бир неча ой олдин Каримов ўз нутқида “2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда 11,6 фоизга ошди” деган эди. “Ўзметроном” нашрининг ёзишича, президент бундан ташқари экспортнинг ўсиши натижасида ташқи савдо айланмаси \$1,1 млрд мусбат салдога эришганини айтган, ҳолбуки бундан олдинроқ Статистика қўмитаси экспортнинг камайганини билдириб, ташқи савдо мусбат сальдоси \$2,2 млрд эканлигини ёзган эди. 2011 йилда мусбат сальдо \$4,5 млрд эди, демак, барибир камайган бўлиб чиқмоқда. Каримовга ишонсак, тўрт бараварга камайган, Статистика қўмитасига ишонсак, икки бараварга камайган.

Ҳисоботлардаги бундай сохта рақамлар Ўзбекистоннинг аксарият статистик кўрсаткичларида учрайди – президент сайловларида тўқсон фоиз аҳоли қатнашганидан тортиб, советкич ишлаб чиқариш ҳажмининг бир йилда 50 бараварга кўпайганигача.

Бундай ҳолатда Каримов ўйлаб топган иқтисодий моделнинг самарасини Статистика қўмитасининг маълумотлари билан эмас, балки мамлакатдан чиқиб кетаётган меҳнат муҳожирларининг кўлами билан баҳолаш зарур. Президент томонидан “Обод турмуш йили” деб номланган 2013 йилда мамлакатдан чиқиб кетган меҳнат муҳожирларининг оқими энг юқори даражага эришган эди.

Петр Бологов
Манба: “Фарғона” АА

**Тўртинчи кун
Бисмиллаҳир
роҳманир
роҳийм.**

**Раҳмон ва Раҳийм Оллоҳ номи
ила.**

Илм билан инсонни шарафлантирган, илм билан Ўзига яқинлаштирган, ўқиганлар ва ўқимаганлар тенгми (Зумар, 9) дея тафаккур этишга чорлаган, илк ояти билан пайғамбарига, у орқали бутун инсониятга ўқишни амр қилган, қалам билан инсонга ёзишни ўргатган (Алақ, 1 – 5), ҳамма нарсаларни билгувчи, ҳаммадан кўра яхшироқ билгувчи, Алийм сифатининг Эгаси Оллоҳ таолога чексиз ҳамду саноларимиз бўлсин!

Олим пайғамбарлар меросхўрлари эканини айтган, Оллоҳ яхшилиқни раво кўрган инсонларни динда фақиҳ қилиб қўйишининг хушxabарини берган, фаришталар илм толибнинг қадамларига қанотларини ёзиб туришлари билан илм талабгорларини шодлантирган, оламларга раҳмат пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга дурудун саловотларимиз бўлсин!

Рамазоннинг ҳар бир куни янги бир шодлик. Рамазоннинг ўтаётган ҳар бир лаҳзаси қалбга бахш этадиган роҳатнинг баҳоси йўқ. Агар ким у роҳат ва фароғатни ҳис этмаса, бунинг учун ўзини маломат этиши, ўзининг нафсини синдириб, жиловлаб олиши даркор. Зотан, Оллоҳ таоло Рамазонда шайтонларни занжирлади, энди нафс билан маҳорабага киришиб уни занжирбанд қилиш мусулмоннинг ўз иши. Оллоҳдан бу шарафли иш учун кўмак сўрасинда, нафсига қарши аёвсиз уруш эълон қилсин.

Сўзимиз аввалида Рамазондаги ҳолатларимиз ҳақида бир оғиз мулоҳаза. Аслида, бу барчамизга таниш, гоҳида кўзларимиз ўрганган воқелиқни таҳлил этиш ҳам хайрлидир.

Бугун мусулмон ўлкаларига назар солсак, Рамазон улкан шодиёна бўлаётганини кўраимиз. Бу бизнинг қалбимиздаги фараҳни зиёда қилади. Лекин бу масалада айтилажак иштибоҳлар борки, уларни, албатта, барча дўстларга юксак эҳтиромни сақлаган ҳолда изҳор этмоғимиз керак.

Рамазон – қуръон, намоз, зикр ойдир, шубҳасиз. Рамазон – қурбат ойдир, албатта. Рамазон тансиқ таомлар, оммавий



Рамазон кундалиги: “Яратган Зот – Роббингиз исми билан ўқинг!”

байрамлар, телевизор кўриш, кечаларни бекорчи гаплар ила суҳбатлашиб ўтказиш вақти эмас. Рамазон ғийбат, дил оғритиш, ёлгон оий эмас. Рамазон саконат ойдир. Кузатар эканмиз, биз учун Рамазон ўзаро хурсандчилик қилиш ойигина бўлиб қолмоқда. Ўзингизни тафтиш қилиб кўринг – Рамазондаги куннинг қанча вақтини Қуръон тиловатига сарф этдингиз? Қанча вақтини зикр ила ўтказдингиз? Кун бўйи оч бўлиб юриб, ифторликда қоринни тўлдириб олишдан мурод нима? Саҳарликда ошқозонга минг хил таомни ташлаб, сўнг уйқуга кегиб, куннинг ярмига қадар бу таомнинг оғирлигидан азият чекиш, сўнг кейинги ярмида бу азият ўрнига ўша таомнинг қолдиқлари уйғотган сунъий ташналиқ билан асабий бир шаклда рўза тутмоқнинг ҳикмати не?

Зотан, рўзанинг ҳикмати улуг шаксиз, аммо ифторлик ва саҳарликда нафсимиз жиловини бўш қўймак оқибатида медаларимиз таомга тўляпти, кунларимизни тўйиб ейилган овқатлар оғирлаштирмоқда, тунларимизни эса қироатсиз қолдирмоқда. Рамазон бизнинг жисмимизни тозалаш, руҳимизни тиниклаштириш ўрнига аксинча, бизни оғирлаштириб, ланж қилиб қўяётгандек, астаффируллоҳ!

Демак, Рамазонда биз фақат кундузи эмас, балки тунлари ҳам таомдан тийилмоғимиз лозим. Очликни бироз чекилтирадиган таом кифоя. Ортиқча емак фақат азобдир. Ана шунда шууримиз

тиниклашади, Рамазондан кутилган натижаларга эришамиз, иншаОллоҳ!

Бугун илм ҳақида тафаккур этиш, илмга бўлган рағбатимиз янада кўтаришни ният қилгандик.

Илм инсонни ким бўлишидан қатъий назар қуйидан юксакка кўтаради. Илм қанотсизга қанот. Оёқсизга оёқ, қўлсизга қўл, тилсизга тилдир. Илм ақлни тиниклаштирадиган, ярқиратиб поклайдиган ёки қалбини ёндириб, кул этадиган оловдир. Илм инсонни манзил томон олиб кетадиган ёки манзилдан олиб кетадиган уловдир. Илм инсонни Оллоҳга таслим қиладиган, тафаккур қилишга ундайдиган мўжизадир.

Илм деган сўзнинг ўзи изоҳни талаб қилади. Илм оддий сўз эмас, у истилоҳдир. Илм ҳақида юзлаб, минглаб рисоалар, китоблар битилган, агар уларнинг ўзини бир жойга жам қилсак, кўз ўнгимизда жуда улкан кутубхона ҳосил бўлади. Вақт ўтгани сайин биз ўзгармоқдамиз. Ўзгаришларимиз, минг афсуски, манфий хусусиятларга эга: феълимизда такаббурлик, бесабрлик, шошқалоклик, ўзаро бир-биримизни айблаш, айтаётган сўзларимизга беъътиборлик, ҳамма масалани куч билан ҳал қилишга интилиш, одамларни кўр-кўрона айблаш ва энг катта хатомиз – ботил ва ҳақни фарқлай олмаслигимиздадир. Инсоннинг энг улкан хатоси – яхши ёмонни ажрата билмаслигидир. Буларнинг ҳаммаси

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бош сабаби – илмсизликдир. Аммо чуқурроқ ўйласак, илмнинг ўзи ҳамма муаммонинг жавоби бўла олмаслиги мумкин. Қизиғи, илм бўлмаса ҳам ҳеч нарсага эриша олмаслигимиз ҳақиқатга анча яқин.

Илм ҳақидаги хулосаларимизни бир неча мақолаларда – “Рамазон кундалиги”нинг бир неча бобларида акс эттиришимиз мумкин экан. Биз куйидаги масалаларда суҳбатлашмоқчимиз:

• **Илм нима? Илм деганда нимани тасаввур қиламиз? Тасаввурларимиз тўғрими?**

• **Илмни дунёвий ва диний дея икки турга бўлишимиз мантиққа мосми?**

• **Илм нима учун ўрганилади? Илмни ким ва қайси вақтдан бошлаб ўрганиш керак?**

• **Илм ўрганар эканмиз, соҳани аниқлаб олишда бизга нималар ёрдам беради?**

• **Илм ўрганишда ота-она ва устознинг ўрни, аҳамияти.**

• **Илм ўрганиш жараёнида кечадиган машаққатлар, уларни бартараф этиш борасида тажрибалар.**

• **Илм соҳиблари ўртасидаги ихтилофларнинг сабаби нима? Бу ихтилофларнинг оқибатида нима кутилади?**

• **Илм инсонни саодатга етаклаши кафолатланганми?**

Илм инсонни ҳалокатга ҳам рўпара қилиши мумкин? Агар шундай бўлса, нима учун?

• **Инсон илмининг чегараси қаерда? Инсон қанча миқдорда илм эгаллаши мумкин? Илм ўрганар эканмиз, унинг миқдори қанчалик аҳамиятли?**

• **Ўзбекистонда илм ўрганиш учун қандай шароитлар ҳозирланган? Сиз она Ватанда ўзингиз истаган даражада илм олишингиз мумкинми?**

• **Ва мавзуга алоқаси бўлган бошқа масалалар.**

Илм ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз ҳам Оллоҳ берган ақлнинг чегарасида фикр юрита оламиз. Ҳар бир инсон хато қилишга мойил ва у, албатта, хато қилади.

Оллоҳдан бизни адаштирмаслигини сўраймиз. Ҳидоят йўлида ҳаммамизни қойим қилсин.

ИншаОллоҳ, айтилган масалар ҳақида Рамазон кундалигининг келгуси саҳифаларида суҳбатлашамиз.

Оллоҳим, Ўзинг буюксан, Ўзинг Улуғсан.

Сенга таслимимиз, Сенинг тақдирингга розимиз, Ўзинг бизга раҳм қил!

Илм ҳақида сўз очдик, илмимизни зиёда қил. Илмимизни қалб кўзларимизнинг кўр бўлиши учун эмас, балки руҳимиз

чашмаларининг очилиб, шарқираб оқиши учун сабаб қил!

Илмимиз манманлик эшикларини эмас, камтарлик, хокисорлик қопқаларини очиб беришини насиб эт!

Илмимиз билан Пайғамбаринг Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга бизни меросхўр эт. Меросхўр сифатида қиёмат куни ул зот алайҳиссалоту вассаломнинг қабатларида бўлишни насиб эт!

Оллоҳим!

Ўзинг марҳаматлисан, Ўзинг раҳмат ва мағифарт Соҳибсан.

Ёзажакларимизни барақотли, давоми ва манфаатли қил. Ўқиган кўнгиллар ёришсин.

Ёзаётганларимизга Рамазоннинг шарофати ила кўпроқ савоблар буюр, ёзажакларимизга, аввало, ўзимиз амал қилишимизни ноил айла.

Битикларимизни мутолла қилиб, сенинг мусулмон бандаларинг қўлларини очсинлар ва қулинг ҳақиқа хайр дуоалар қилсинлар. Улар дуода нима сўрасалар, ўзларига ҳам зиёдаси ила ато эт!

Айтажак сўзларимнинг қайси бири менинг тилимдан чиқса, шубҳасиз, у хатодир, лекин Сенинг ҳикматингни ифода этса бу жумла, албатта, энг тўғри гапдир. Ўзинг тилимга энг тўғри гапларни ёғдир.

Хато ва маъсият мендан, хайр ва афв Сендан!..

Абдуллоҳ Нусрат

Эшматнинг тут егиси келиб қўшниси Тошматниқига ўтиб қараса тутни кесиб кетишган экан.

Афсусланган Эшмат қўшнисига юзланиб “тут егим келиб турувди, минг афсус кесиб кетишибдида”, деса, дарахти кесилганидан жаҳли чиқиб турган бўлса керак, Тошмат унга жавобан “ён қўшним Иванники кесилмаган бориб ўшаниқидан енг”, деган экан.

Советлар даврида тез тез айтиладиган ушбу латифа ҳозирги кунда ҳам ўзининг актуаллигини йўқотмаган кўринади. Гап шундаки май ойига келиб Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги кўча, маҳалла ва хиёбонлардаги тут дарахтлари ипак қурти баҳона кесиб кетилди. Ва битта иккита кўздан панада қолган тут дарахтлари эса ҳокимият вакиллари, прокуратура ва милиция ходимларидан ташкил топган махсус комиссия томонидан аниқланиб ва уларнинг назорати остида кесиб кетилмоқда.

Айни шу кунларда Самақандга ташриф буюрган одам кесилган тутлар сабаб хунук бир манзарани

Зўрниқи тегирмон юргизаркан

кузатиши мумкин. Агарда шаҳарнинг баъзи бир кўчаларининг икки четига нуқул тут дарахти экилганилигини ҳисобга олсак, ўша кўчага келиб қолган одам ўзини жаҳаннамга тушиб қолгандай ҳис қилиши мумкин.

Камина яшайдиган маҳалла ҳам шундай «манзара»дан четда қолмади. Май ойининг охирида маҳалла территориясида тут дарахтларини кесаётганларнинг бири билан гаплашиб қолдим. Кўринишидан бир мунча содда, камгап, 30-35 ёшлардаги йигитдан, “нима, сизларда тут дарахти йўқми”, даб сўрадим. У эса менга жавобан, “бир пайтлар бор эди, керагидан ортиқ бор эди, ҳозир эса йўқ”, деди.

У сўзини давом эттираркан, “охирги 20 йил мобайнида газ, электр токининг танқислиги боис халқ, қаҳратон қиш мавсумида уйини иситиш учун нафақат тут

дарахти, ўтинга яроқли барча дарахтларни кесиб ёқиб юборди. Шунинг учун ҳам 20-30 километр узоқликдан келиб шу ерлардан тут барги олиб кетишга мажбурмиз.

Сабаби туман ҳокимнинг буйруғи билан прокурор, милиция ходимлари уйма-уй юриб, мажбурлаб, хонадонларга бир қутидан ипак қурти тарқатишган. Ана шу бир қути ипак қуртини парваришлаб, пилла ҳолда давлатга топширишимиз шарт. Илож қанча. Ҳокимнинг буйруғини бажаришга мажбурмиз. Акс ҳолда улар менга ўхшаган химоясиз йўқсилларни тинч қўйишмайди”, деди оғир хўрсиниб.

У сўзини давом эттираркан, “замон зўрниқи бўлди, зўрниқи тегирмон юргизади деганлари шу бўлса керакда”, деди қўлини мушт қилган ҳолда қаҳр билан. У билан хайрлашиб ортга қайтар эканман, очикчасига мушт кўрсатилдим, демек халқ уйғонмоқда деган ўй ўтти хаёлимдан.

Эгамқул Худойберди
Самарқанд, 2016 йил, май.



Макканинг сир

Миср Миллий тадқиқот маркази доктори Абд Ал-Босит Ал-Саид билан суҳбатдан парчалар. Ал-Мажд ТВ (Саудия Арабистони) 16 январ, 2005 йил.

— Макканинг марказда жойлашгани илмий назардан исботланган. Қандай қилиб? Улар коинот ҳудудига чиқишди ва ернинг суратини олдилар, кўрдиларки қора ва муаллақ осилиб турган бир шар. Шунда бирлари дедики: “Ер қора муаллақ осилиб турган бир шар — ким осди уни?”

— Ким шундай деган?

— Нил Армстронг. Аслида Армстронг айтмоқчи бўлган нарса: Бунга осган Аллоҳ эканлигидир.

Ернинг радиация тарқатишини кашф этдилар ва бу ҳақда интернетда ёздилар. Ёзилган хабар 21 кун очик ҳолда турди, кейин эса уни олиб ташладилар.

— Нега олиб ташладилар?

— Бундай қилишларининг бир сабаби бор эди...

— Демак айтиш мумкинки, ушбу маълумотнинг тарқалишини олдини олиш муҳум бўлган.

— Бу жуд ҳам муҳум бўлган, чунки Каъбанинг (Макканинг)... ўздан радиация тарқатаётганини айтдилар. Бу радиация қиска тўлқинлардир.

Бу радиацияни кашф қилганларида уни катталаштириб кўрдилар, ва унинг Маккадан, янада аниқроғи Каъбадан тарқалаётганини аниқладилар.

— Ё Раббим!

— Айтилдики...

— Бу радиациянинг бир таъсири борми?

— Бу радиациянинг чексиз эканлигини аниқладилар. Улар марсга етиб, суратга ола бошладилар ва радиациянинг янада узоққа давом этганини кўрдилар. Улар дедиларки, тўлқин узунлиги бизга маълум... ёки тўғрироғи, тўлқин узунлигининг қисқалиги бизга маълум... Бу нурланиш алоҳида хусусиятга эга эди: У чексиз ва менимча сабаб шуки, бу

нурланиш Каъба (зохирий бўлган) ва илоҳий Аршдаги Каъбани (ботиний) бир-бирига боғлайди.

Тасаввур қилинг, сиз шимолий кутбдасиз ва мен Жанубий кутбдаман — ўртамазда магнит майдони деб аталувчи бир қисм бор. Агар шу ерга компас ўрнатсак, компас кўрсаткичи ҳаракатланмайди.

— Яъни, ҳар икки тараф учун тортиш кучи тенг бўлади дедимки?

— Ҳа, ва айнан шунинг учун нол магнетизм ҳудуди деб аталади, чунки магнетик кучнинг ҳеч қандай таъсири йўқ у ерда.

Шунинг учун кимдир Маккага борса ёки у ерда яшаса, у узокрок умр кўради, саломатлиги яхшироқ бўлади ва ернинг тортиш кучи таъсирига камроқ учрайди. Шу сабабдан Каъбани айланиб, тавоф қилганингизда, сиз қувватга тўласиз.

— СубҳанАллоҳ.

— Ҳа, ҳақиқатдан шундай. Бу илмий ҳақиқатдир...

Чунки сенга таъсир қилувчи ернинг магнетик ҳудудидан узокдасан.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, Маккадаги қора базалт тошлари дунёдаги энг қадимий тошлардир. Ҳақиқатдан шундай.

— Энг қадимий тошлар?

— Ҳа.

— Бу илмий нуқтаи назардан исботланганми?

— Бу илмий исботланган ва олиб борилган тадқиқот натижалари эълон қилинган.

— Улар базалт тошларини Маккадан олдилар...

— Базалт тошларини Маккадан олдилар ва тошлар шаклланган ерларни тадқиқ қилдилар.

Британия музейида Каъбадан келтирилган уч дона қора тош бўлаги бор... ва улар бу тошнинг бизнинг қуёш тизимимизга оид эмаслигини айтдилар.

ЎХХ хабарлар бўлими

Муҳаммад Алининг уйи олдидаги дарахтни арилар қуршаб олди

“Капалак каби учиб, ари каби чақаман” деган сўзлари билан дунёда из қолдирган Муҳаммад Алининг вафотидан сўнг, унинг уйи олдидаги дарахтни арилар қоплаши барчани ҳайратга солди.

Ўз ўлими билан дунёни ларзага солган афсонавий боксчи Маҳаммад Алининг “Капалак каби учиб, ари каби чақаман” деган сўзларини билмаган инсон йўқдир. Алининг бу сўзи, болалиги кечган Луисвилл шаҳридаги уйнинг деворига ёзилган.



Афсонавий боксчининг мухлислари бу уй олдида гуллар ёки ўз тилак ва туйғулари битилган мактублар қолдиришмоқда.

Барчанинг хотирасида жойлашиб қолган ушбу сўзлар ёзилган деворнинг ёнидаги дарахтга тахминан 15 минг ари йиғилган.

Арилар босқинини назоратга олиш учун қақирилган аричи Кевин Маккинней, “Ушбу ҳолат мени ҳеч ҳайрон қолдирмади. Арилар бу йил саккизинчи марта йиғилишмоқда, аммо Муҳаммад Алининг девор ёзуви олдида биринчи марта йиғилиши” деб айтган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов